

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 36 (10.341)

2005 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Шукур Бурхонов номли маҳаллада Юртбошимизнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати қўшма мажлисида сўзлаган маърузасининг жамият тараққиётидаги аҳамиятига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** "Бунёдкор" ёшлар телеклубида ўтказилган тadbирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан туманда уюштирилган спорт мусобақалари ғолиблари тақдирланди.

● **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар прокуратурасида ўтказиладиган тadbир тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланади.

● **РЕСПУБЛИКА** Суд экспертиза марказида суд экспертиза имкониятлари, экспертизани ўтказишда адвокатнинг иштироки масалаларига бағишлаб уюштирилган тadbирда ҳуқуқшунослар, адвокатлар иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ўқув базасига асос солинди. Мазкур илм маскани АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатларнинг олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирди.

● **КЕЧАДАН** 214-мактабда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан туман мактаблари ўқувчилари иштирокида "Сен тарихин биласанми?" мавзуида кўрик-танлов бошланди. Ушбу танлов 26 февралда якунланади.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 197-мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган адабий кеча "Ижод гулшани" деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 13-спорт мактабида Сихат-саломатлик йилгига бағишлаб Яқсарой туманидаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган сузиш мусобақалари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Иқтисодиёт

СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Бугунги харидор, қанчалик махсулотлар тури кўп бўлмасин, бозордан кўркам, рақобатбардош ҳамда нисбатан арзонини сотиб олади. Аини шундай импорт ўрнини Чилонзор туманидаги "PGS" ҳусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланмоқда.

Мазкур корхона 1993 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб ички бозоримизга 16 турдаги — озиқ-овқат sanoатида, тиббиётимизда ҳамда маиший турмушда кенг қўлланилаётган асбобларни ишлаб чиқармоқда. Улар аввало ишлаштиришда оддий ва қулайлиги, чиройли, ихчам кўриниши, асосийси эса, экологик тозаллиги билан ажралиб туради.

Шу билан бирга, корхонанинг иқтисодори, изланувчан мутахассисларнинг меҳнатлари самараси бўлган кичик новнойона, мева-сабзавот ва ўт-ғиёҳларни қуритишга мўлжалланган ускуна, тибби-

ёт электрмеханик қаравоти, кўра, қозон, турли ҳажмдаги иситкич, сандал каби махсулотлар электр қувватини сарфлашда сезиларли тежамкорлиги билан нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ишлаб чиқарилган, балки хорижий шун турдаги кўплаб электр асбобларидан ажралиб туради.

Ички бозорни чуқур ўрганиш асосида корхона тadbиркорлари йилдан йилга махсулотларининг сифатига асосий эътиборни қаратган ҳолда уларнинг турларини ҳам кўпайтириб боришмоқда. Жорий йил охиригача жома аҳли электр ускуналарининг



сонини 20 тага етказишни мақсад қилиб қўйган. Аини кунларда эса 2 та янги sanoат иситкичлари — "O18-T" ҳамда "O18U" русумли жиҳозлар тажриба синовидан ўтказилмоқда.

"Интиланганга толе ёр" деб халқимиз бежиз айтмайди. Замон талабидан келиб чиқиб меҳнат қилаётган "PGS"чилар янги имкониятлар сари дадил интиляптилар.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА СУРАТЛАРДА: тайёр махсулотлар; корхона электрчиси Эдим Ваниев иш устида.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАСТУРИЙ ҲУҲЖАТИ

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг мамлакатимиз парламенти палаталари қўшма мажлисидаги дастурий маърузасини дунё матбуоти ва экспертлари ҳамжамияти ҳамон шарҳлашда давом этмоқда.

"Ўзбекистон Президенти "Кўннинг тинч — сен тинч" деган мақоли тез-тез тилга олади. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда ҳам кўп арслардан буён авлоддан авлодларга ўтиб келаётган бу доно нақлга риоя қилиб келмоқда, — деб хабар беради "Хитой халқаро радиоси". — Президент Ислам Каримов 28 январь кунини Тошкентда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон бундан кейин ҳам ушбу тамойилга риоя қилаётганини таъкидлади".

Хитой радиостанцияси ўз тингловчилари эътиборини мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларига — Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, уни барқарор хавфсиз ҳудудга айлантириш, бу ерда интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умумий бозорни барпо этиш билан боғлиқ масалаларга қаратди.

— Давлат раҳбарининг мазкур маърузасини мустақил Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастурий ҳужжати сифатида баҳолаш лозим, — деб таъкидлади декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида икки палаталар кузатувчи сифатида қатнашган россиялик олим, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси проректори, профессор Юрий Кашлев ўзбек дипломати билан сўхбат чоғида. — Мазкур маърузада республикадаги демократик ўзгаришларга баҳо берилибгина қолмай, яқинда фаолиятини бошлаган икки палаталар парламент шариоатида жамиятнинг янада ривожлантиришининг аниқ истикболлари ҳам ўз ифодасини топган.

Россиялик дипломат ушбу маърузада қайд этилган бир муҳим жиҳат, яъни мамлакатнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш

йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараён эканлиги хусусидаги фикрлар ўзининг хотирасига муҳрланиб қолганини айтди.

Мисрда чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири - "Аль-Мустақбал" хафтаномаси ҳам ўз ўқувчилари эътиборини Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Парламенти палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасининг асосий мазмун-моҳиятига қаратди. "Аль-Ахром" сиёсий ва стратегик тadbиротлар маркази директорининг ўринбосари Муҳаммад Саййид бунга ўз муносабатини билдирар экан, "Ўзбекистон Президентининг маърузасида ўзбек жамияти ривожланишининг асосий тамойиллари ва қўламлари ўз аксини топган бўлиб, унда давлатнинг ички, ташқи ва иқтисодий сиёсатида доир барча вазифалари қамраб олинган", деди.

"Жаҳон" АА.

XVI сағоси
Барча маъбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● 2005 йилда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"га асосан Тошкент вилояти умумтаълим мактабларига 922 миллион сўмлик синф компьютерлари сотиб олинади. Ўтган йилда эса ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизimini такомиллаштириш мақсадида бошланғич синф ўқувчиларига 483 минг нусха китоб ажратилди.

● Тошкентда "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган тadbир "Ўзбекистон социал-демократик ҳаракати: унинг бугунги кунини ва истикболи" мавзусига бағишланган.

● Бухорода фаолият кўрсатаётган "Ўзмедикал" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси Сихат-саломатлик йилида ишлаб чиқараётган махсулотлари тури ва сифатини оширишга киришди — икки граммли дориналар тайёрлаш йўлга қўйилди.

● Сурхондарё вилоятининг Ҳаким ат-Термизий ёдгорлиги мажмуасида ташкилот, корхоналар раҳбарлари иштирокида кўчат экиш тadbирини бўлиб ўтди. Унда ҳар бир раҳбар ўртак курсатиб, мажмуада 200 га яқин турли кўчат қаллади.

Жаҳонда

● Португалияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

● Латвия ички ишлар вазири Эрик Екабсон мамлакат ҳудудида фақат спиртлик ичимликлар истеъмол қилган ҳайдовчиларгагина эмас, балки автоуловдаги йўловчиларга ҳам маъмурий жазо қўллаш таклифи билан чиқди.

● Сербия полицияси олти нафар шахсни қамоққа олди. Мамлакат прокуратураси вакили улар 1990 йилларда собиқ Югославия даврларида ҳарбий жиноятларни амалга оширганликда гумон қилинаётганлигини билдирди.

● Индонезиянинг марказий қисми — Сулавеси оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,9 баллик zilзила рўй берди.

● Кабардино-Болкория пойтахти Нальчик шаҳрида экстремистик гуруҳ қолдиқларини йўқ қилиш мақсадида махсус бўлинмалар томонидан операция ўтказилди.

● Санкт-Петербург вилоятида Нева дарёсининг 7 метр чуқурликдаги қисмидан сув остида 64 йил ётган, бироқ яшил холатда сақланган, сувда ва қуруқликда ҳаракатланувчи афсонавий "Т-38" танки қуруқликка чиқариб олинди.

Иқтисодий

ПЛАСТМАССА
ҚОПҚОҚЛАР

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Аъло-Алиах» масъулияти чекланган жамиятида «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси учун пластмасса қопқоқлар ишлаб чиқарилмоқда.

Россия, Украина, Германия, Польша технологиялари билан жиҳозланган корхонада асосан механика, металл конструкциялар, техник хизмат кўрсатиш, мебель цехларининг ҳар бирида 20 га яқин ишчи иш билан таъминланган. 20 дан зиёд турдаги маҳсулотлар тайёрланаётган ушбу жамиятга зарур хом ашё, яъни полиэтилен «Шўртангаз» кимё мажмуасидан, полипропилен ва поликарбонат Россия, Украина давлатларидан шартнома асосида сотиб олинади.

— Ҳозирда пластмасса цехида маҳсулот ярим тайёр ҳолга келтирилади, — дейди цех бошлиғи Даврон Эргашев. — Тайёр маҳсулотлар, яъни пластмасса қопқоқлар эса ички бозоримизда сотилмоқда.

КУВУРЛАР
ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛАДИ

«Деск-Инвест» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасида 30 дан ошмиқ турдаги металл черепицалар ишлаб чиқарилиб, бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда.

Финляндиянинг замонавий технологиялари асосида европа стандартларига жавоб берадиган сифатли ушбу том ёпиш қопламалари ички бозоримизда ўзининг доимий харидорларига эга.

— Бугунги кунда 15 нафар ишчи фаолият юритаётган корхонамиз учун зарур хом ашё Россиядан келтирилади, — дейди корхона раҳбари Шавкат Аҳмедов. — Элик йил кафолати билан сотилаётган маҳсулотларимиз иссиқ ва совуқ иқлим шароитига ўта чидамли, зангламайди, емирилмайди.

Ўтган 2004 йилда «Деск-инвест»чилар 3 миллиард сўмдан ошмиқ маҳсулот ишлаб чиқаришган бўлса, бу йил ушбу рақамни 4,5 миллиардга олиб чиқишни режалаштиришган. Шунингдек, келгусида корхонага қувурлар ишлаб чиқариладиган янги технологиялар ўрнатиш ҳам мақсад қилиб қўйилган ва унинг асосида ҳар хил ҳажмдаги қувурлар ҳам тайёрланиб харидорларга етказиб берилди.

Орзугул РУСТАМОВА



Маиший хизмат

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кейинги йилларда самарали ислохотлар амалга оширилатганини қувонарли ҳол, албатта. Ушбу соҳа ходимларининг фаолиятлари аҳолига кенг қўлама сифатли, тезкор ва асосийси нисбатан арзон хизмат кўрсатишга қаратилган. Чилонзор туманидаги «INGE» маиший хизмат уйи жамоаси ҳам айни шу мақсадларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқда.

— Маиший хизмат уйимизда аҳолининг оғирини енгил қилиш, қимматли вақтларини тежаш учун, — дейди унинг раҳбари Юрий Айрих, — Германия давлатидаги жаҳонга машҳур «MIELE» компаниясининг юксак самарали машиналари келтирилиб ўрнатилган. Жамоамиз ўтган йилнинг қарама-қаршида иш бошлаганига қарамай, кўпга доимий миқозларга эгалигимиз бизни беҳад қувонтирмоқда ва бу тўғри йўлни танлаганимиздан далолатдир.


Дил билан замонавий таъмирланган хизмат уйи, ундаги кир ювиш машиналарининг мажмуаси ҳамда ходимларнинг хушмуомалалиги ҳар қандай нозиктаб миқознинг ҳам эътиборини тортмай қолмайди. Мажмуа 50 га яқин операцияларни амалга ошириши, турли хилдаги кийим-кечақлар, пахта, ипак, мўйна, жун, сунъий толаданми, парданми, хуллас барча турдаги маҳсулотларни сифатли тозалаш билан аҳолини мамнун этмоқда.

Буюртмалар миқозларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда 3-4 соат ичида бажарилади. Жумладан, маиший хизмат уйида ўтган ойда 1000 килограмм кир сифатли ювилиб, буюртмачиларга топширипти. Шартномага асосан эса доимий миқозлар — туман эндокринология диспансери, тўқимачилик комбинатига қарашли шифохона, «Энергомонтаж» корхонасининг ётоқхонаси, тумандаги соғлиқни сақлаш идора, ташкилотларига пул ўтказиш йўли билан ҳам сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Аҳолига намунали хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш мақсадларида хизмат уйи фаолиятини бошлаган кун-

дан эътиборан бу ерда «Талаб ва истаклар дафтарчаси» юритилмоқдаки, бундай ёзувлар қайд этилган дафтарча кўпчилик миқозларни бефарқ қолдирмапти.

Ҳайрат-шижоатли ходимлар — Лена ва Сергей Романовлар раҳбарнинг энг яқин кўмакчилари, улар миқозларга намунали, тезкор хизмат



кўрсатишга доимо шайдириллар. Бу ерда буюртмачиларнинг ҳар бир буюмининг таркиби, хусусиятига қараб алоҳида кимёвий воситалар танланади. Ушбу мақсадлар учун эса «Henkel» фирмасининг сифатли кир ювиш воситаларидан унумли фойдаланилади.

Жамоа аҳлининг режалари бисёр. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадларини кўзлаган ҳудуд хизмат турларини кўпайтириш учун ҳаракат қилинмоқда. Изланувчан, ташаббускор инсонларга эса омад доимо ёр бўлишига шубҳа йўқ.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «INGE» маиший хизмат уйининг аҳил жамоаси замонавий хорижий машина ва ускуналар кўмагида аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатмоқдалар.

Алексей Попов олган суратлар.

Метро

“ЕР ОСТИ ҚАСРИ”НИНГ
ОЛТИН КЎЗГУСИ

Халқ маданий мероси — бебаҳо хазина. У авлоддан-авлодга ўтади. Авлодлар уни кўз қорачиғидек асраб, бойитиб, ривожлантириб, келгуси наслларга узатадилар. Истиқлол шарафати билан маданиятимизга оид анъаналаримиз қайта тикланди. Тошкент метрополитенининг 25 йиллиги арафасида очилган тарихий музей ҳам бунга яққол мисолдир.

Музейга қутлуг қадамини босган одам Юртбошимизнинг: “Метронинг қурилиш тарихидан лавҳалар сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер устки бойликлар билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир” деган пурмаъно сўзларини ўқийди. Ва бугунги кун қадриятларимизнинг ҳозирги мустақиллик даврларида авлодларимиз қалбида муҳрнинг қолаётганига гувоҳ бўлади. Тошкент метрополитени тарихий музейи директори Шоабдурахимов ер ости транспорти — метрога пойдевор қўйилган вақтдан то шу кунга қадар метро хизматини такомиллаштиришда сидқидилдан меҳнат қилиб, халқ ишончини оқлаган, қатор инвонлар соҳиб, “Метронинг ер ости мўъжизаси” китобининг муаллифи — метро қурилишига оид тарихий лавҳалар билан музейни бойитмоқда.

Музей кўрғазмасидан метро қурувчиларнинг қундалик ҳаётдан олинган лавҳалар, фахрий нишон ва дипломлар, биринчи ўрин учун берилган Фахрий ёрликлар, қалдирғоч машинасларнинг суратлари, метрополитен ишини бошқарув марказлари, меҳнат фахрийларининг расмлари, ишчи ва хизматчиларга яратилган қулай шароитлар, маданий дам олиш хоналари, спортда эришилган ютуқлар (кубок ва Фахрий ёрликлар). II жаҳон уруши иштирокчилари ва улар ҳақида шингил маълумотлар, хорижликлар — Тошкент метрополитенида, 1977 йил 18 майда биринчи метро вагонининг пойтахтимиз темир йўли вокзалига келиши, 1993 йил 25 февралда метрополитенининг Бутун дунё метрополитенлари ассоциациясига аъзо бўлганлиги ҳақида-

ги ҳужжатлар жой олган бўлиб, томошабинлард яхши таассурот қолдириши, шубҳасиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги муаммоларни енгил мақсадида ер ости транспорти катта жамоасининг ижодий изланишлари яхши самара берди. Метрога керак бўлган 2750 хил эҳтиёт қисмлар четдан кўп машаққатлар билан келтирилди эди. Ихтирочилар боқимандаликдан қутулиш мақсадида ҳозирги кунда шаҳар корхоналарида 700 хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришмоқда. Янги техника ижодкорлари Владимир Носовой, Камол Зокиров, Ҳасан Дўстмуҳамедов, Рустам Исаев, Виктор Пусталов яратган маҳсулотлар ойна билан қопланган кўрғазмага қўйилган. Қимматбаҳо металллар лабораториясида қумушли электр контакт (уламалар) ишлатиши, метрология хизматида 12 мингта текширилиши лозим бўлган асбобларнинг 94 фоизи ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Дунёда йўқ яна бир ноёб маҳсулотимиз иссиқ ва ифлос ҳавонинг сув ичида ҳайдалиши ва адибатиқ қурилмаси орқали чангдан тозаланиб станцияларга қайта берилиши, ифлос сувларнинг филтрат тозаланиши, тоннел иншоотлари хизмати 2 балли ер силкиншида баъзи ерларнинг чўкиши ёки тушиб кетиши ҳолатлари рўй берганда толадек махсус симлар узилиб навбатчиға хабар бериши ойнали кўрғазмага қўйилган.

Тошкент метрополитени тарихий музейи келажак авлодимиз учун чиндан ҳам ёдгорлик ва олтин кўзгудир. Уни қизиқарли тарихий маълумотлар билан тўлдириш ва бойитиш ҳар бир транспортчининг шарафли бурчидир.

Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ

Кўрғазмалар

ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кейинги пайтларга Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бунга куни кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида бўлиб ўтган “Тасвирий санъат” кўрғазмасини мисол келтиришимиз мумкин. Бу кўрғазма Эрон Ислом республикаси Маданият вазирлиги, Маданият ва ислом ташкилоти ҳамда Маданият ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ларнинг қизиқишлари ва таълим олиш жараёнлари ҳақида ҳам сўзлаб берилар.

— Менга Ўзбекистон аҳолисининг эркинлиги, чиройли фикрлай олиши, фаронлиги ҳамда тинчлиги жуда ёқди, — деди суҳбат сўнггида Ризо Мақсуд Нур. Биз ҳам ўз навбатида уларга мазмунли суҳбатлари, гўзал санъат асарлари билан хушнуд айлаганлари учун миннатдорчи-

лик билдирдик. Бу кўрғазма бизда катта таассурот қолдирди. Миллатлар бирлиги, халқлар дўстлигининг янада мустаҳкам бўлиши учун мана шундай талбирлар кўпроқ ўтказилиб турилишини жуда ҳам истар эдик.

Гулрух ОДАШБОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Санъат

ГРУЗИЯЛИК ХОРЕОГРАФ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олган қатор спектакллар чет эллик саҳна усталари билан ҳамкорликда юзга келган. Муस्ताқил Ҳамдўстлик давлатларидан таклиф этилган етук санъаткорлар иштирокида саҳна юзини кўрган постановкалар ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.

Грузиялик таниқли хореограф ва педагог Георгий Алексидзе билан ҳам алоқа боғланди. Балет асарлари постановкаси сифатида бой тажриба орттирган бу санъаткор шу кунларда театرنинг балет труппаси билан ижодий иш олиб бормоқда. Грузин хореографи "Хумоюн ҳақида достон" деб номланган постановкани саҳналаштириш билан банд.

Мазкур балет асари шу яқин орада саҳна юзини кўриб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

"КИЧИК САҲНА" УСТАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика илмий-оммабop ва ҳужжатли фильмлар студияси томонидан суратга олиниб, экранларга чиқарилаётган фильмлар томошабинларга манзур бўлмоқда. Кейинги бир йил ичида яратилган ҳужжатли фильмлар ҳам ўз маззу мундарижаси ва ижодий талқини билан ажралиб туради.

Томошабинларга янги тақдим қилинган навбатдаги ҳужжатли фильм "Кўғирчоқ театрининг сирини" деб номланди. Истеъдодли кинорежиссёр Р.Ботиров постановка қилган бу экран асари "Кичик саҳна" усталарининг ижодий изланишлари, кўғирчоқ спектаклларнинг ёш томошабинларга манзур бўлиши "сир"лари ҳақида ҳикоя қилади.

Республика кўғирчоқ театри фаолиятини акс эттирувчи лавҳалар ҳам томошабинда яхши таассурот қолдиради.

ФЕСТИВАЛГА ТАРАДДУД

Тошкентда "Сехрли ёғду" болалар кинофот фестивалини ўтказиш яхши аниёнага айланиб қолди. Бу тадбир сураткашликка ихлосманд истеъдодли ўқувчи-ёшлар сафини кенгайтиришда, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлмоқда.

Тошкентдаги ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази бу хайрли ишда бош-қош бўлмоқда. Марказнинг "Ёш сураткаш" тўғрисида савий-ҳаракати билан эса поштахитмиз туманларида шу йўналишда қатор янги тўғрақлар очилди.

Пойтахтдаги 21-меҳрибонлик уйида эса тўғрақнинг бешта гуруҳи фаолият кўрсата бошлади.

Уларда ўз истеъдодини ошириб, техник ижодкорлик билан шуғуллланаётган болалар ишлари навбатдаги "Сехрли ёғду" болалар кинофот фестивалига тақдим этилади.

Акбар АЛИЕВ

Мақтаб — барчамиз учун муқаддас даргоҳ. Бу қутлуг масканда ҳар бир инсон кўлига илк бор қалам тутиб билим эгаллайди. Меҳрибон ва ғамхўр муаллимлар бағрида таълим-тарбия олиб камолга етади.

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда "Йилнинг энг яхши мактаби", "Йил ўқитувчиси" сингари кўрик-танловларни ўтказиш яхши аниёнага айланди. Жумладан яқинда Чилонзор туманидаги 162-ўрта мактабда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Йилнинг энг яхши мактаби — 2004" Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Танловда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасидан вилоят босқичларининг ғолиблари, ҳамда Тошкент шаҳридан Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб жамоалари иштирок этдилар. Танлов

ларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, педагогик жамоаларнинг таълим мазмунини янгилаш бўйича ижодий фаолиятини ривожлантириш, замонавий педагогик технологиялар асосида уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва бошқа бир қатор мақсадларга йўналтирилди.

Танловнинг дастлабки кунини ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов эксперт гуруҳи иштирокида қатнашчилар — мактаб жамоалари тақдим этган ҳужжатларни кўздан кечиришди. Ушбу ҳужжатларда "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йил-

таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган барча қарорлари, ушбу қарорларнинг ижроси, мактабда таълимдаги ижодий ўзгаришлар, шунингдек фан олимпиадалари, танловлар, мактаб, оила,

маҳалла ҳамкорлиги сингари бир қатор йўналишлар видеолавларда акс эттирилди. Шунингдек, танловда иштирокчилар ўз мактабларида амалга оширилаётган илгор тажрибаларни 10 дақиқа давомида саҳнада намойиш этишди. Йилгиланлар мактаб раҳбарларининг "Мақтаб фаолияти тўғрисида"ги маълумотлари орқали таълим беришнинг илгор усулларидан хабардор бўлдилар. Иккинчи шарт бўйича эса мактаб раҳбарининг 5-7 дақиқа давомида компьютер тақдироти бўлиб, у 10 баллгача баҳоланди. Ушбу шартда мактаб раҳбарлари (компьютер мутахассиси ёрдамида ёки ўзи алоҳида) компьютер



ча ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши мактаби — 2004" кўрик-танловида бизнинг мактабимиз жамоаси ҳам иштирок этаётганлигидан бениҳоя хурсандимиз, — дейди қувонч ва ҳаяжонда 324-мактаб директори Салима Шаропова. — Танлов бошидаёқ "Фақат биринчи бўлишимиз керак", деб ният қилгандик. "Яхши ният ярим давлат" деб шунга айт-



техникаси ва технологияси имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда мактаблари шарафини ҳимоя қилишди. Тадбир сўнггида ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларининг чиқишларини муносиб баҳолаб, ғолиб ва совриндорларни аниқладилар. Унга кўра шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб "Йилнинг энг яхши мактаби — 2004" танлови ғолиби деб топилди, компьютер жамланмаси билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Наманган ва Фарғона вилояти мактаб жамоаларига насиб этиб, уларга рангли телевизор тақдим этилди. — Аввало республика бўйи-

салар керак. Танлов сўнггида ғолиблар сафида биринчиликни кўлга қиритганлигимизни эшитиб жуда ҳам қувондик. Бу менга ва мактабимиз жамоасига билдирилган юксак ишонч ва эътибордир. Бу билан фахрланамиз ва келгусида мактабда таълим самарадорлигини яна ҳам юксалтиришда, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш йўлида бор куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: "Йилнинг энг яхши мактаби — 2004" кўрик-танловидан лавҳалар.

Бурҳон Ризоқулов олган суратлар.

EXBS ДАСТУРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЁРДАМИ

Тошкентда Республика Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини кўриклаш кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Соғлиқни сақлаш ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларида АҚШ ҳукумати томонидан берилган 749 минг 539 АҚШ доллари миқдоридagi асбоб-ускуналарни топшириш маросими ўтказилди. Мазкур ёрдамни АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл топширди.

252та тўлқинли пейджер, 20та "Ludlim" гейгер ҳисоблагичлари, 8 та божхона назоратининг эшитиш тизими, 20 та зичлик ўлчагичлари, "Metog" русумли 18 та металл ва 60 та олиб қориладиган металл детекторлар ҳамда 34 та тунда кўриш дурбинларидан иборат мазкур асбоб-ускуналар АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган Чегара хавфсизлиги ва экспорт назорат (EXBS) дастури доирасида келтирилди.

— АҚШнинг божхона ва чегара агентлиги томонидан амалга оширилаётган EXBS дастури оммавий қирғин қуроллар тарқалишининг олдини олиш, уларни ва бошқа турдаги қуролларни етказиб бер-

иш тизимига қарши курашишга қаратилган, — деди тадбирда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Жон Пурнелл. — Мазкур дастур доирасида Ўзбекистонга турли ёрдамлар кўрсатишмоқда. Техник семинарлар ўтказиш, асбоб-ускуналар етказиб бериш, чегара ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, алоқа, кузатиш ва аниқлаш, химоя ва тиббий асбоб-ускуналар ҳамда катер ва транспорт воситалари ҳам дастур доирасида келтирилган. Жон Пурнеллнинг таъкидлашича, жорий йилда мазкур дастур доирасида 1 миллион 700 минг АҚШ

доллари қийматидаги Тошкент аэропорти учун юқларни текширишга мўлжалланган рентген мосламаси ва БТР-80 бронетранспортёрларга двигател ва шиналар келтирилади. Кейинги йилларда бунда каттароқ ускуналарни келтириш режалаштирилган. 6 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi иккита вертолёт тренажери шулар жумласидандир.

Тадбирда сўзга чиққан мутасадди ташкилотлар вакиллари берилаётган мазкур жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олдиларига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилишида яқиндан кўмаклашишни таъкидлашди. **Алоуддин ҒАФФОРОВ, "Туркистон-пресс"**

Шу кунларда Эски шаҳарнинг Чорсу майдонида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Ана шу қайта тиклаш жараёнида "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат акциядорлик компаниясининг қурилиш бўлинмалари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Қулайлик

ТРАНСПОРТДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Маълумки, бу майдон шаҳримизнинг турли транспорт воситалари учун шохбекат ҳисобланади. Реконструкция ишлари тўғрисида бу йўналишлардаги троллейбус, автобус қатновлари вақтинча тўхтатилди. Йўловчиларга қулайлик таъминлаш мақсадида қатор имкониятлар яратилди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда. Талайгина йўналишлар "Пахтакор" метро станцияси бекатига қаратилди. "Сағбон гузари" шохбекати орқали ҳам йўловчилар ташиш йўлга қўйилди. Айни вақтда қатор йўналишларнинг қатнов жадваллари ўзгармади. Шунингдек, бунёдкорлик ишларига компаниянинг қурилиш бўлинмалари ҳам жалб этилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Ёшлар — келажакимиз

ИНСТИТУТ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Соғлом, билимли, касб-хунарли ёшларимиз — юрт таянчи. Уларнинг жисмонан бакуват, маънавий етуқ бўлиб ўсишлари йўлида давлатимиз томонидан кўпгина саяҳат-харакатлар қилиниб, аниқ режавий юмушлар амалга оширилмоқда. Яққасарой туманида жойлашган Тошкент энгил саноат касб-хунар коллежиди ҳам ушбу максатларда янгиликка қўл уриди.

Куни кеча таълим масканида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилиб, унга Яққасарой туманидаги 176, 269, 303, 89, 113, 319, 172, 100, 144, 26-мактабларнинг 9-синф ўқувчи қизлари устозлари билан тақдир этилди. Мазкур тадбирда катнашган 200 нафардан ортиқ ўқувчиларга коллеждаги таълим жараёни, тўғарақлар ва албатта, қизларнинг кўргазмали чиқишлари ҳамда иходий ишларидан намуналар кўрсатилди. Шунингдек, ушбу коллежга кирганлар таълим олиб, касб эгаллаш билан бирга, шу ернинг ўзиди ишлаб чиқариш цехида ўқишдан ажралмаган ҳолда даромадли амалиёт машғулотлари билан шугулланишди, қизларнинг дарслардан бўш вақтлари анадди мароқли ўтадиган бўлди.

— Узаро манфаатли ҳамкорлик асосида "Ўзулгужисавдо" ассоциациясига қарашли кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш маркази



Эътиборли томони, ўқувчилар ўқишлари давомида сабоқ олиш билан бирга, компьютерда ёш болалар, аёл ва эркакларнинг устки кийимларини лойихалаш, модельер дизайнчилик, бичиштиқиш, зардузлик, элита усулида парда ва чойшаблар тикши

ерда қўллаб спорт тўғарақлари ишламоқда. Бунинг исботи сифатида ўтган — 2004 йилда ушбу таълим маскани тумандаги ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда, яъни теннис, шахмат, шашка бўйича 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Гўзаллик, нафосат сохибалари бўлган қизлар коллежда фаолият юритаётган "Ором" миллий рақс дастасида дилбар рақслар ўрганиб, санъатнинг сеҳрли оламидан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, "Шарк гўзали" моддалар театрига — 1 босқичдан бошлаб битирувчиларгача бўлган фаол қатнашувчи қизлар иходий ишлари билан нафақат таълим масканларида, балки коллежнинг узок йиллардан буён Узаро манфаатли асосларда ҳамкорлик қилиб келаётган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этадилар.

Кувонарлиси, қўллаб битирувчи қизлар ўқишни давом эттириш учун мазкур олий ўқув даргоҳида тахсил олмақдалар.

дид қатнашадилар. Айниқса, бичиш-тиқиш, миллий либослар, сўзана, бисер, элита пардаларини тикишга қизиқувчилар анчагина.

Ш у н и айтиш керакки, таълим масканида инглиз, франкуз, испан тилларидан тўғараққа қатнашувчилар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Она тили, адабиёт, физика, математика

билан шартнома тузишга муваффақ бўлди, — дейди коллеж директори вазифасини бажарувчи Шаҳзода Деҳқонжўзева. — Ушбу марказ ишлаб чиқариш цехимизни таъмирлаш учун маблағ ажратди, шунингдек, у бизнинг илк бюортмачимиз ҳамдир. Истикбол режаларимиз жуда ойдин, келгусида аълочи, жамоатчи ўқувчиларни тақдирлаш учун мукофот фондини ишлаб чиқариш цехимиздан олинган даромад ҳисобига ташкил этмоқчимиз...

Коллежда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошира бориб тикувчилик ишлаб чиқариши, модельер-конструктор, ишлаб чиқариш устаси мутахассисларини тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Кувонарлиси, мазкур коллеж қизлари ўзларининг қоматларига ярашиб турган бир хил оқ кофта ва кўк сарафанда ўқишга келадилар. Ўқув хоналари, махсус жиҳозланган фан хоналари, компьютер хоналари, спорт зали, кутубхона, устаноналар, "Маънавият ва маърифат" хонаси ҳамда кўргазмалар зали (ўқувчиларнинг иходий ишлари намойишга қўйиладиган жой) ёшлар ихтиёрида. Таълим масканининг нафақат моддий-техник базасини кучайтириш, балки ёшларга азалдан молларимиз эъозлаб келган миллий ҳунармандчилигимиз — зардузлик, поппчиликнинг фан сифатида киритилиши режалардан ва машғулотлар олиб боришга ушбу соҳанинг етуқ мутахассиси жалб қилинган.

Коллеж жамоасининг заҳматкашлари — ёшларнинг севилими устозларидан Саодат Толипова математика, Кифоят Фуломова ота тили ва адабиётдан, Покиза Мирсоурова оила психологиясидан малакали сабоқ бермоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, коллежда ёшларимизнинг билим олиб, касб-хунар эгаллашлари учун имкониятлар етарли эканлигига амин бўлди. Бир сўз билан айтганда, билим масканида юртимизнинг энгил саноати учун малакали, ғайрат-шижоатли, изланувчан мутахассислар тайёрланмоқда.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент энгил саноат касб-хунар коллежнинг ҳаётидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.

Мирзо Улугбек туманида жойлашган 2-автокорхонага борганимизда таъмирлаш устанонаси ёнида икки нафар ҳайдовчининг суҳбатига кулоқ тутдик. Улар корхона чилангари Анварнинг ёш бўлишга қарамай, ўз ишининг ҳақиқий устаси эканлигини, яъни автоуловларнинг тормоқ колодаларини созлашда унинг олдиға тушадигани топилмаслигини айтишди. Шу суҳбат сабаб бўлиб биз Анвар Максудовни учратиб, эъозлаётган касби ҳақида гапириб беришни сўрадик.

Касбин — фазрин

МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭЪЗОЗ ТОПДИМ

— Мактабни битиргач, олий ўқув юртига ўқишга киролмадим, — дейди ёш ишчи Анвар Максудов, — ҳеч иккиланмай, автокорхонамиздаги таъмирлаш устанонасида меҳнат қилаётган тажрибали чилангар, ўз касбининг устаси Обид ака Жўраевга шоғирд тушдим. У кишининг ажойиб хислатлари борки, ҳар ким ҳавас қилса арзийди. Чунки устозим жуда меҳрибон, қатъиятли, меҳнатсевар ва менимча, энг асосийси ўта тартибли. Камгап бу инсон касбига қалб кўрини ҳам қўшгандай назаримда. Мен бунни, албатта йиллар ўтгачина ҳис этдим. Бағри кенг инсонларга хос хислатлар эгаси бўлган Обид ака чилангарнинг сир-синаотларини икки борича мўлал ўрганишга ҳаракат қилдим.

Йиллар бир-бирини қувиб, тезгина ўтиб кетаверар экан. Мана орадан 7 йил ҳам ўтди, бу давр мобайнида меҳнатимга яраша эъоз ҳам топдим. Касбининг заҳмати тортини ўргандим, бундай дейишимга сабаб, иш бўлгач, гоҳида таъмирлаш устанонасида 3-4 соатлаб қолиб кетишга

тўғри келади, смена туғач, албатта. Тезкор таъмир, баъзан асабий ҳайдовчилар дашмои чилангарларни қушқондан чиқариб юборади.

Неча-неча ёшлар, кўп ҳолларда ота-онанинги қистови билан ишга янги келганлар "тезгина" бундай шароитларга кўнкулмай "жунаб қолишди". Мен танлаган касбимдан жуда мамнунман. Айниқса, ҳайдовчилар меҳнатимдан хурсанд бўлиб, миннатдорчилик билдирганларида, беҳад қувонаман, кучимга куч қўшилади. Ҳозирги кунда мен 10 тагача машинани техник кўриқдан ўтказиб, таъмирлаш сифат ва самардорлигига қафолат бераман. Шу йиллар мобайнида қўллаб ёшларга чилангарлик касбини эъозлашни, жон-дилдан ўргатдим ва улар билан қўш қанот бўлиб меҳнат қилмоқдамиз.

Мен ёшларга хамиша касб маҳоратларини ошириб боришлари ҳақида қайта-қайта гапирарман. Ёшларимизнинг касбга кўнкулма ҳосил қилишлари жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Шуни ёдда тутиш керакки, хунари бор киши асло хор бўлмайди.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Сўраш, жавоб берамиз

ҲОЙДА СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИМИ?

Ўтган йили хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгандим ва кичик корхонани ишга туширдим. Корхонанинг таъсисчиси ҳам бор. Мени бир масала қизиқтиради, яъни, хусусий корхона таъсисчининг фойдаси солиққа тортиладими ёки бу даромад таъсисчи тасарруфига ўтиб, солиқ тўланмайди?

Одил Раҳматов, тадбиркор, Миробод тумани.

"Хусусий корхона тўрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига асосан хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг кор

хона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАДИ?

Мен ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида ишлайман. Бизнинг корхонамиз бошқа ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятидан турар жой бўлмаган бинони ижарага олганди. Мазкур бинони жорий ёки тўдан таъмирлаш ҳуқуқига эгалмизми, шу ҳақда билмоқчиман.

Назармат Султонов, иктисодчи, Сергели тумани.

Ҳуқуқролик кодексининг 577-моддасига мувофиқ бино ёки иншоотни ижарага олиш бўйича тузилган шартномада улардан фойдаланганлик учун тўлов тўланиши қўзда тутилган. Агар бинони

жорий ва тўдан таъмирлаш ишлари шартнома бўйича ижарага олувчи зиммасига юклатилмаган бўлса, у ҳолда ижарага берилган бинони таъмирлаш ишлари шу бинони ўз балансига олган юридик шахс ҳисобидан амалга оширилади.

ИМТИЁЗЛАР БОРМИ?

Ишлаб турган юридик шахс негизда чет эл инвестициялари иштирокида янги ташкил этилаётган корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қандай имтиёз ва энгилликлар мавжудлиги бизни қизиқтиради.

Қодир Азизов, муҳандис, Чилонзор тумани.

Солиқ кодексининг 31-моддасига биноан янги ташкил этилаётган корхоналар, шу жумладан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан

шугулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан белгиланган ставканинг биринчи йили йигирма беш фоизи миқдориди, иккинчи йили эса эллик фоизи миқдориди солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Ушбу бандда назарда тутилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврнинг бир йили ўтунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Агар сизнинг корхонангиз чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона сифатида давлат рўйхатига олинган бўлса, шу пайтдан эътиборан Солиқ кодексининг 31-моддасида қўзда тутилган, янги ташкил этилган корхоналарга қўлланиладиган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.

далар...

Буюк Британияда чоп этиладиган журналда айтилишича оригинал услублариға кўра ишга жойлашиш учун келган кишини овқатлаш жараёнида лўқмани қандай ютишини диққат билан кузатишни тавсия этмоқдалар. Айни шу услубни қўллаб, етарлича аниқ ҳулосаларга келиш мумкин деб ҳисоблашади европалик руҳхўнослар. Шундай қилиб, биз овқат тановул қилаётганда уни қандай ютамиз?

Домо лўқмасини тезгина ютишга ҳаракат қилувчилар — асосан жуда тез аччиқланадиган, ҳахли "бурунининг учиди" тўрадиган одамлар тоифасидан бўлса, ўзига ишонган инсонлар овқат ейишда лаззатланиш ҳиссини туйишаркан. Емакни ейишда тўхтаб-тўхтаб дам олиш билан ютадиганлар ўз навбатида ўта ҳаракатчан, қўзлаган аниқ максаллар сари оғишмай интилишаркан. Тез, лекин фойдали овқатланишни танлаганлар — ишда қаққон бўлишса, овқат рационалди дармондориларнинг ҳаммаси бўлишини истовчи инсонлар эса майда-чуйда, икки-чиқирларга кўпроқ эътибор қаратувчилар сирасига киришаркан. Жумладан, жуда секин, шоммасдан овқат овчилар, таажубланарли бўлса ҳам яхши ташкилотчилар ҳисобланишаркан. Иштаҳасиз овқатланувчиларга келсак, руҳхўнослар эътироф этишларича улар ишга лоқайд бўлиб, маъсулятсиз кишилар тоифасига кираркан.

Европалик руҳхўно олимлар ўтказган фаройиб тадқиқотлари, кузатишлари натижасида меҳнат бозорида фуқароларни ишга ёллашнинг антика, жуда қизиқ усулини яратганликларини маълум қилмоқ...

Банқлик хизмати

БОР ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Юнусобод тумани меҳнат бўлимининг иши ҳам бевосита турли бошқармалар, ташкилот, корхона, фирма ҳамда маҳаллалар билан боғлиқки, улар билан ҳамкорликсиз бирон натижага эришиб бўлмайди.

Туманда истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш жамоа аъзоларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда 2 ёшгача ва 18 ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиган қисми: ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб қайтган фуқароларга тегишли ёрдам берилиши ҳам меҳнат бўлими жамоасининг вазифалари сирасига киради.

Ўтган — 2004 йилда бу ерда 2091 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 746 нафарини ёшлар ва 986 нафарини аёллар ташкил этди. Тахлиллар шунини кўрсатдики, туманда ўз соҳаси бўйича иш қидириб рўйхатда турганлар аввалги йилга нисбатан 18 фоизга ортган. Умумий ҳисобда 4095 та янги иш жойлари яратилиб, 3774 та иш жойлари, яъни 92 фоизи — у кичик бизнес ҳисобига таъминланди. Масалан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 30 фоиз, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 1,5 фоиз, қурилиш 7,2 фоиз, саноат корхоналари 3,6 фоиз, транспорт 4,2 фоиз ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташкилотларда 3,8 фоиз янги иш жойлари ташкил этилди.

Эътиборга молик томони, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан туманда 75 та янги иш жойлари яратилиб, жамғарма ҳисобидан 172 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган. Масалан, "Такси тезкор" шўъба корхонасига авто-транспорт воситаларини харид қилиш максаллари учун 122 миллион сўм берилган ҳамда 46 та иш жойлари ташкил қилинди. "Сапика" хусусий фирмасига 50 миллион сўм ажратилган ва фирма ўз навбатида 29 та янги иш жойларини меҳнат бўлими орқали фуқароларга тавсия этди.

— Меҳнат бўлимида орқали ўтган йили жами 1769 нафар фуқаролар ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича



ишга жойлаштирилди, — жумладан 326 нафар фуқаролар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишчиларнинг қисми: ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб қайтган фуқароларга тегишли ёрдам берилиши ҳам меҳнат бўлими жамоасининг вазифалари сирасига киради.

Ўтган — 2004 йилда бу ерда 2091 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 746 нафарини ёшлар ва 986 нафарини аёллар ташкил этди. Тахлиллар шунини кўрсатдики, туманда ўз соҳаси бўйича иш қидириб рўйхатда турганлар аввалги йилга нисбатан 18 фоизга ортган. Умумий ҳисобда 4095 та янги иш жойлари яратилиб, 3774 та иш жойлари, яъни 92 фоизи — у кичик бизнес ҳисобига таъминланди. Масалан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 30 фоиз, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 1,5 фоиз, қурилиш 7,2 фоиз, саноат корхоналари 3,6 фоиз, транспорт 4,2 фоиз ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташкилотларда 3,8 фоиз янги иш жойлари ташкил этилди.

Эътиборга молик томони, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан туманда 75 та янги иш жойлари яратилиб, жамғарма ҳисобидан 172 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган. Масалан, "Такси тезкор" шўъба корхонасига авто-транспорт воситаларини харид қилиш максаллари учун 122 миллион сўм берилган ҳамда 46 та иш жойлари ташкил қилинди. "Сапика" хусусий фирмасига 50 миллион сўм ажратилган ва фирма ўз навбатида 29 та янги иш жойларини меҳнат бўлими орқали фуқароларга тавсия этди.

— Меҳнат бўлимида орқали ўтган йили жами 1769 нафар фуқаролар ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича

садида тумандаги қўллаб-санаёт, транспорт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, ҳақ таълими, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг малакали мутахассислари иштирокида 7 та худудий «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда жами 386 нафар фуқаро катнашди. Ярмаркалар давомида 169 нафар фуқароларга маслухатлар берилди.

Меҳнат қонунлариға асосан иш билан банд бўлмаган 193 нафар фуқароларга ишга йўлланмалар берилди. Шунингдек, 12 нафар фуқаро ўқишга йўлланмалар билан таъминланди ҳамда 4 киши жамоат ишларига жалб этилди. Натижада эса меҳнат ярмаркаларида қатнашган 125 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. Бу эса 2003 йилги кўрсаткичдан анча юқори — 32,4 фоизни ташкил этди.

Меҳнат бўлими жамоаси қонун талаблари бажарилишини таъминлаш максаллариға фаолият юритар экан, тахлилларга кўра ўтган — «2004 йил ҳодими» деб, меҳнат бўлимининг ЭХМ оператори Пулатжон Саъдуллаев тан олинди ва унга кимматбох совға топширилди, шунингдек, меҳнат ҳуқуқи инспектори Олимжон Жўраев, иш билан таъминлаш шўъбасининг бош мутахассиси Асия Файзуллина, меҳнат нозирларидан Диломор Восковская, Сайёра Зокироваларнинг меҳнатларини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, Юр்தбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ақидада ўтказилган қўшма мажлисида меҳнат бўлимининг иши аҳолининг қўллаб эътирозларига сабаб бўлаётганлигини таъкидлаб ўтганликларидан тегишли ҳулосалар чиқарган ҳолда жамоа ахли бундан буён фаолиятлариға камчиликларни тугатиш максалларини қўзлаган ҳолда, аҳолиға ҳақиқий таянч бўлишни эзгу ниятиға айлантириб меҳнат қилмоқдалар.

МУҲАДДАС УМАРБЕКОВА
СУРАТЛАРДА: Юнусобод меҳнат бўлими жамоасининг иш фаолияти ана шундай қизгин кечмоқда.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўртаниб
домо бўлиб...

● ХИКМАТ. Ҳинд ҳақимларининг кино қилиб ёзишлари бўйи мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайдиган бахил кишилар «саҳий» кишилардан. Чунки ўзлари ёмай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар.

Китъа:

Туриб дарё лабида
бутимор куш,
Чекар дарё сувидан
доимо гам.

Ўзича ўйлағай ичсамми
ё йўқ,

Агар ичсам бўлар
дарё суви кам.

Дилида химмати йўқ
хар бахилнинг,

Шу қушга ўшаган
фёлу иши ҳам.

Хирсининг ўткирлигидан
нонини,

Ўз-ўзига кўрмагай
лойик, укам!

● Хурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй ҳид ва ҳазм бўлиши кийин қаттиқ емиш!»

Хикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса олтига дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узок тутуш, тўк коринга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиш ва ортиқча жинсий алоқа қилиш».

Одамзот кўп ейишни асло одат қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш ҳайвонлар одатидир. Хикмат қонун-қоида бўлишга эса номақбулдир. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкон борича кам ейиши, тўри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Ана шундай қилган киши табибга асло муҳтож бўлмайд.

● Икки нимарса кўнглини фасодга элтур: бири — тўла емюк, бири — тўла уйкуламок.

● Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ҳам ўтида ёндирди. Араблар бировни бахилликда айбламочки бўлсалар, уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзининг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, Бани билоч қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар кунни ўз туяларини суғориш учун қулқудан сув тортиб олар, қулқуд ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтиб олиб далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қўяр экан. У ҳар кун шу одатини такрорлашни кўймас экан. Унинг яна бир қилиғи бўлиб, туялар тезагини тепалаб, тупроққа аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишни хоҳламас экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишарди. Ушандан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолди.

● Бахил одамга ҳамма одам ёмон бўлиб кўринади.

Бахил учун дунёда

роҳат йўқ,
Бахилнинг ўз дарди
ўзига етди.

Хар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Ўзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин.

Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғриғига учрамайди.

Адабий жараён билан қизиқувчан ва қузатувчан бизнинг тендошларимиз ва ёши улур кексалар яхши билишади. 60-70-йиллар адабиёт оламида бошқа жанрларга нисбатан ҳикоя ва қиссачилик кенг тарқалган эди. Шу даврда яратилган баъзи қисса ва ҳикоялар йиллар ўтса-да ўзининг сермазмун ҳамда воқеликни таъсирчан ифода этганлиги билан ҳамон ўқувчилар тилидан тушмай келади. Шундай асарлардан бири шубҳасиз Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг «Баҳор қайтмайди» номи қиссасидир. Асарни ёзган пайтида адиб ҳали ҳатто 30 ёши ҳам қораламаган эди. Бу асар қайсибир даражада «Тошкент оқшоми» газетаси довуғини яна бир поғонага кўтаришга сабаб бўлди. Чунки Ўткир ака ўша кезлари мана шу газетادا ишлар ва таҳририятнинг адабиёт бўлимини бошқарар эди.

Газетанинг ютуқларидан яна бири — у ўз сафини узлуксиз равишда иқтидорли кадрлар билан тўлдириб борди. Худди шу йили жамоага талантли ва тажрибали журналистлар Тўлқин Расулев, Владимир Емельянец, шеърят илосманди Кенжа Ҳамроевлар келиб қўшилди.

— Тўлқин Расулевнинг «Тошкент оқшоми»га келиши қизиқ бўлган, — деб ҳикоя қилгани марҳум Усмон Юсупов. — Ўшанда мен таҳририят топшириғи билан «Эски Жува» бозорининг бугунги кунги деган мавзуда мақола тайёрлаётган эдим. Расталарни айланиб юриб, танишим Тўлқин Расулевни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Шунда у «Ўқитувчилар газетаси»дан кетганлиги, анданан бери беиш эканлигини айтди. Гап орасида агар шариқат кўтарса «Оқшом»да жон деб ишлашни билдириди.

Мен бош муҳаррирга унинг бу таклифини етказдим. Бу гап Саъдулла акага унчалик ёқмади.

— Нимага ишдан кетибди ўзи? — сўради истар-истамай.

Мен аниқ-таниқ жавоб бера олмадим.

— Бекорга думини тутганимагандир. Бир сабаб бўлганки, ҳужжатини қўлига топширишган. Мен ҳам уни яхши билман. Тажрибали газетачи. Кенжа «отадиган» одати бор.

— Ҳар тўқисда бир айб...

Сўзим оғзимда қолди.

— Бизга ичмайдиган тўқислар керак.

Хуллас тортишувимизнинг охири «Майли келсинчи, кўраимиз» билан тугади. Юзма-юз учрашувда унга «Ичмайсиз, шунда сизни ишга қабул қиламиз» деган шарт қўйилди. Тўлқин Расулев бу шартга бажонидил қўнди. Шундай қилиб у эртасига «Оқшом»даги ўз фаолиятини маънавий-маърифий бўлимини бошқаришдан бошлади.

Тўлқин ака ўз гапига содиқ қолди. Ичмай юрди. Бири-бирдан сермазмун мақолалари билан тез фурсатда жамоа орасида ўз ўрнини топиб олди, газетхонлар тилига тушди.

Азалдан бизда шундай одат бор. Талантли, иқтидорли кишиларнинг мухлислари кўп бўлади. Шундайлар бир зумда атрофингда парвона бўлиб қолишади. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам садоқатли дўстлар деб бўлмайди. Баъзилар сидқидилдан, баъзилар эса сенинг иқтидорингдан қайсибир маънода фойдаланиш йўлида қадаминга чиқиб туришади. Айтганингни бажо келтиришади. Сени ёлғиз топиб улфатчилик қилиш хаёлида бўлишади. Раф этишинга қарамай қўрқар-қўймай қўлингга қадаҳ тутушади. Уларнинг чиройли гапидан сўнг қандай қилиб, ичиб юборганини ҳам билмай қоласан. Баъзан атрофинда шундай илосмандларинг борлигидан хурсанд ҳам бўлиб қоласан.

Тўлқин акада ҳам ана шундай ҳолат рўй берди. Ширинсўз, дилкаш меҳрибонлари даврасида чарчоқли ёзиш учун қиттак-қиттак отадиган бўлди. Аммо у зинҳор-базинҳор иш вақтида ёки тушиқда, умуман таҳририят биносида ичкиликни озига олмас, ҳатто шунақа йўл тутадиган баъзи жамоадорларига танбех ҳам бериб қўярди. «Азизим, бу даргоҳ муқаддас. Уни оёқ ости қилиш ярамайди. Нима қилсангиз ишдан кейин ташқаридан қилинг», дерди.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов эсдаликларидан:

— Мен бу даргоҳда ниҳоятда яхши инсонларни учратдим. Шулардан бири ҳеч шубҳасиз Тўлқин Расулев эди. Рус тилида «Душа коллектива» деган ибора бор. Ўрни «Жамоанинг жони» дегани. Тўлқин Расулев «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаларининг жони эди. Ҳаммани «Азизим» деб қақираб, ўзининг иши ҳар қанча кўп бўлишига қарамадан ёнига қимдир бирор дард билан келса ёки маслаҳат сўраса, ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, ўшанинг гапига қўлиқ солар, маслаҳат берарди. У барчани баравар яхши кўрарди.

Тўлқин Расулевнинг яна бир хусусияти, у ниҳоятда ҳушқақчақ, ҳазил-мутойибга уста эди. Ҳар қандай «Фантазия»ни рост қилиб айтар, айтганда ҳам ҳаммани, ҳатто ўзини ҳам ишонтириб юборарди. Ўта гўзал, ўзининг тили билан айтганда «кетворган» аёл Тўлқин акага ошиқу-беқарор бўлиб қолган ҳақидаги саргузашт бутун таҳририятга дoston бўлиб кетарди. Лекин орадан маълум муддат ўтиб ўша саргузашт қайтадан ҳикоя қилинганда баъзи саволлар чиқиб

сими з унинг замондоши бўлганимиздан гоят мамнун бўлардик, фахрларандик. Садриддин Айний ўзининг узлуксиз ва унумли меҳнати билан барчамизга ўрнатган эди. Асарларида унинг босиб ўтган машаққатли ҳаёти, халқларнинг армон ва орзулари таъсир етган, унинг асарлари тарихий ҳақиқатни қуйилади.

Айнийнинг кўп қиррали ижоди, айниқса проза соҳасидаги хизмати халқларимизнинг хурмати ва муҳаббатига сазовордир.

Шу ўринда «Оқшом»нинг «Ёшлик илҳомлари» саҳифасида ёритилган ўша даврнинг ёш қаламкашлари ҳисобланган шеър ва ҳикоялар муаллифлари — Сайёр, Амирқул Пулканов, Асқар Қосимов, Отаёр Наҳанов, Шаҳодат Исохонова, Абдулла Шероф, Муҳаммадали Қўшмоқовларнинг номини бугун ким ҳам билмайди дейсиз. Шундай экан, «Оқшом» бу қаламкашларнинг ижодида маълум даражада мактаб ролини ўтаган деб бемалол айта оlishимиз мумкин.

Газетанинг мунтазам қатнашчиси фаол муаллифларидан бири Ўзбекистон Халқ шоири Пулат Мўмин (марҳум) хотирлайди:

— Матбуотимиз йилдан йилга ривожланиб, турли газета ва журналлар билан бойиб бормоқда. Ҳаётимизни маъбуотсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Газеталарни очиб, саҳифаларга шундоқ кўз югуртирсангиз бас, албатта бирор мақолани қизиқиб ўқишга берилди киши.

Мен газеталар ичиди айниқса, кўп йиллар қалрдон газетамиз «Тошкент оқшоми»ни мунтазам севиб ўқийман. Азалдан ҳурмат ва эътиборим бу пайтахт газетаси ўз мухлисларига эга. Ўзим ҳам болалар шоири сифатида жуда кўп шеърларим билан газета саҳифаларида қатнашиб келаман. Шеърятта ошно мухлислар газетани варақлагач жажжи болажонлар яхши кўрайдиган шеърларни ўқиб, ўз фарзандларига ҳам ўқиниш тавсия этадилар, деб ўйлайман.

«Оқшом»нинг мухлислари яна ҳам ортиб боришни, ўқинишни, қизиқари мақолаларни газетхонлар қўлма қўлиб ўқинишни чин дилдан ният қилиб қоламан.

«Оқшом» газеталарининг муваффақиятида таҳририятнинг юраги ҳисобланган «Хатлар» бўлимининг ҳам ўзига хос хизмати бор. Чунки газетанинг ранг-баранг чиқиши мавзулар хилма-хиллигига боғлиқ. Зеро, таҳририятга келаётган хатларда экологидан тортиб шаҳарнинг озодаллиги, уйларнинг иситилиши ва яна кўпдан кўп масалалар кўтарилди. Муштарийларимизнинг айримлари у ёки бу шаҳар хизматларини тараққиёт ҳақидаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашса, бошқалари транспорт хизматида, дорихоналарда зарур дори-дармонларни топиш ёки уларнинг баҳоси қимматлигидан шикоят қилишади. Шуниси эътиборга моликки муштарийларимиз қўтариётган қайси бир масалани олиб қараманг, у албатта шаҳар ҳаётининг бирор муаммосига бориб тақаллади. Мақтуларда тинимсизлик, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш истаги яққол кўзга ташланади.

Газетага танқидий мақолаларга мутасаддилардан келган жавоблар эса ҳали «совуб улгурмасдан» «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар» рукин остида ёлмон қилинади. Бундай чиқиш биринчидан, шикоятчи талаби қай даражада қондирилганлигини билдирса, иккинчидан, ўша танқид тизиг остига олинган қорхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг меҳнатқашлар хатларига бўлган ижобий муносабатларини кўрсатади.

Мана бир мисол: «Шаҳримизда телефон алоқаси хизматида жуда кўпчилик норози, деб ёзган эди ўшанда муштарийларимиздан бири. Телефон ёрдамида бир тумандан туриб иккинчи туман билан боғланиш амри маҳол. Алоқа ходимларидан аҳвол нега шундай деб сўрасангиз, янги ускуналар ўрнатилди, деб жавоб беришади. Менинг телефоним уч ойдан бери ишламаётган эди. Бу масалага таҳририят арашлатиши билан, телефон дарҳол ишлаб қолди. Мен сизлардан чексиз миннатдорман».

Ана шундай миннатдорчилик мактубларини ўқиганимда қайфиятинг яхшиланиб, кўнглингиз кўтарилди. Газетхонлар билан янада яқинлашгинг, ўз вазифанга чуқурроқ масъуляти билан ёндашгинг келади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Чиллар сағоси

«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ
ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

қоларди. Масалан, бу воқеа аввал ҳикоя қилинганда қаҳратон қишда рўй берган бўлса, кейинги сафар негандир қовун пишиқла бўларди. «Аввал айганингизда қиш эди-ку» десангиз, бунга ҳам дарров жавоб топиларди. «Қишдан кейин ёз келди-да, азизим!».

Маош ёки қалам ҳақи теккан кунни Тўлқин ака дўконга зипиллаб қоларди. Зум ўтмай бир ишга ароқ билан тўрта шар (болалар пуфати)ни олиб чиқарди. (У пайтда ароқ 2 сўм 80 тийин бўларди). «Савдо қандай бўлди?» десак сал норозироқ қиёфада жавоб қиларди. «Болаларга шар олмоқчи эдим. Тўртта шар бер деб 3 сўм узатсам қайтимага ароқ берди. Майдаси йўқ экан».

«Оқшом»нинг тўртинчи йили ўзига хос ўсиб-улғайиш йиллари бўлди. Бу даврга келиб, у тетаполийклдан дадил қадам ташлашга ўтди. Унинг бу залворли юриши газета тахаллусларида эълон қилинган мақолалар, танқидий фикрлар, кишини мулоҳазага қорловчи турли-туман жанрларда ёзилаётган материаллар, ахлоқ-одоб мавзуларидаги чиқишлар, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган саҳифалардан шундоққина кўриниб турибди. Албатта, кичик бир мақолада уларнинг ҳаммасини қамраб олиш ёки улар ҳақида батафсил фикр юритишнинг иложи йўқ.

Газета шу йиллари зилзиладан жабр кўрган Тошкентнинг қайта тикланиши ва унинг ободончилиги йўлида хизмат қилаётган қурувчи, ободонлаштирувчилар, шаҳар ҳўжалиги ва адабиёт — санъат, айниқса қардош адабиётлар мавзусини кенроқ ёритишга эътиборни қаратди. Бунинг исботи сифатида «Қардошларимиз адабиёти» туркумида берилган мақолалар, бадиий сўз усталари, етук олимлар, санъаткорлар ва ёзувчилар ижодига бағишланган қатор саҳифаларни келтириш мумкин. Хусусан бу ҳақда гап борганда адабиётшунос олим, жамоат арбоби, устоз ёзувчи Садриддин Айнийга бағишланган саҳифани алоҳида таъкиллаб ўтгимиз келади. Ушбу саҳифа ёзувчининг ҳаёт йўлини тўла акс эттирган бўлиб, унда машҳур сўз зарғари Ойбек каби ёзувчиларнинг Садриддин Айний ҳақидаги фикрлари яққол кўзга ташланиб туради. Биз юқоридан номи тўла олинган ҳар иккала ёзувчининг хотирасини ёлга олиш мақсадида машҳур ёзувчимиз Ойбекнинг ушбу саҳифада ёритилган мақоласини қисқартириш билан эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

«Ҳар вақт устозимиз Садриддин Айнийни ёзувчилар анжумани ёки Фанлар академиясининг илмий мажлисларида учратар эканман, кўнглим гоёт ёришар эди. Мен унинг дўстона маслаҳатларидан ҳаммиша хурсанд бўлар эдим.

Шарқ адабиётининг билимдони бу донишманд оғамизни кўрар эканмиз, ҳар қай-

Ажойиботлар

олатида

СИРЛИ ОВОЗ

Хиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатидаги Шринагар округи қишлоқлари атрофида инсонга ўхшаш мавжудотнинг пайдо бўлиши Ҳимолай тоғларида "қор одам" борлиги тўғрисида янги шов-шувларга сабабчи бўлди.

Барбул қишлоғидаги кўйчилик фермаси қоровули Зомон Муҳаммад Кханнинг нотаниш мавжудот билан учрашганлиги тўғрисидаги ҳикояси олимларнинг эътиборини жалб қилди. У тунда шу ферма ишчилари исмини бақириб чақираётган сирли овозни эшитди. Қоровул икки ишчи билан бирга қичқираётган ким эканлигини билиш учун уни қузатмоқчи бўлди. Орадан бироз вақт ўтгач, узоқлашаётган сержун гавдани кўрдилар.

Харепансел қишлоғидаги маҳаллий масжид ходими Муҳаммад Донли ҳам сирли овозни эшитганлиги ҳақида тадқиқотчиларга гапириб берди. У масжид деразасидан сержун гавдани кўрган, у итлар вовуллаши билан кўздан ғойиб бўлган.

ИЗТОПАР СИГИР

Доғистондаги тоғ овуллари-нинг бирда яшовчи Муҳаммад Рамажонов сигири ва бузоғини сотиш учун қўшни райондаги бозорга олиб келди. Сигирга харидор топилмади. Бузоғни эса қўшни қишлоқ — Усишида яшовчи бир киши сотиб олди.

Муҳаммад эртасига одати бўйича сигирни яйловга қўйиб юборади-да, ўзи ишга кетди. Кечкурун жонивор ўтлоқдан уйга қайтиб келмади. Қидиришлар ҳеч қандай натижа бермади. Колхозчи сигирни йиртқичлар еб кетган бўлса керак, деб тахмин қилди, бироқ ҳеч қаерда олишув аломати кўринмади.

Муҳаммад бироз ўйланиб турди, сунгра Усиши қишлоғи томон йўл олди. Бузоғни сотиб олган харидор ҳовлисида сигирини боласи билан кўриб хангманг бўлиб қолди. Сигир тоғларда ўнлаб километр йўл босиб ўз боласини қидириб топган эди.

СОДИҚ ДЎСТЛАР

Хиндистоннинг Кутумбнаря қишлоғида яшовчи 19 ёшли Камружон уйғонганида ўрни ёнида катта захарли кўзоннакли илон ётганини кўриб қолди.

Эгасининг қичқирганини эшитган йўлбарс лақабли ит югуриб келди-да, илонга ташланди. Тез орада иккинчи ит ҳам йигитга ёрдамга келди. Итлар илонни гажиб ташлашди. Бироқ, ўзлари ҳам унинг захаридан халок бўлдилар. Уларнинг кўмиш маросимида бутун қишлоқ аҳолиси қатнашди.

МАЛИНАХЎР АЙИҚЛАР

Шарқий Словакиянинг тоғ ён бағирларида ўтган ёз малина хайрон қоларли даражада серҳосил бўлди. Харид қилувчи ташкилотлар ўрмоннинг бу хушхўр мевасидан пландан ташқари бир неча ўнлаб тонна зиёдорк йиғиб олишни мўлжаллашди. Аммо бахтга қарши малина анча оз миқдорда терилди. Бунга мева йиғувчиларни чўчишиб қочирган айиқлар сабабчи эди. Улар тўда-тўда холда малиназорларни эгаллаб олишди. Бу хайвонларни отиш ман қилганлиги тўғрисида кўп ҳолларда малинанинг мазасидан ана шу маймоқлар болалари билан бахраманд бўлишди.



Дўстлик тароналари.



"ЭКОСАН"НИНГ НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

Тошкент шимолий темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларига 70 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортлган "Экосан" саломатлик поезди юборилди.

Мазкур тadbир "Экосан" халқаро ташкилоти "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури ҳамда "Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт гарови" мақсадли дастури доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Инсонпарварлик юки иссиқ кийим-кечак, пойабзаллар, "Гематоген" — даволаш озукавий препаратлари, "Полисепт" дезинфекциялаш моддаси, кўрпа-тўшақ гилофлари ва бошқа халқ истеъмоли молларидан иборат. Мазкур юклар Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Бузатау, Эллиққалъа ва бошқа туманла-

рида, Фарғона вилоятининг sanoat қорхоналари атроф-муҳитга салбий таъсири сезилаётган туманларда, айниқса Тошлоқ туманида, Наманган вилоятининг экологик муаммолари долзарб бўлиб турган Норин, Мингбулок, Поп туманларида, Андижон вилоятининг чўл худудларида жойлашган Бўз, Жалолқудук, Пахтаобод ва бошқа узоқ қишлоқларда яшовчи аҳолисига, кам таъминланган oilаларга ҳамда ижтимоий объектларига топширилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларига "Экосан" халқаро ташкилоти-

нинг вакиллари жўнаб кетишди. Улар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорлигида Нукус, Андижон, Наманган ва Фарғонада "Сиҳат-саломатлик давлат дастури" да белгиланган ва "Экосан" ташкилоти иштирокида амалга оширилаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бўйича "Соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданияти", "Валелогик тарбиянинг илмий-амалий асослари" мавзуларида конференциялар ўтказилади.

"Экосан" халқаро ташкилоти Сиҳат-саломатлик йилининг биринчи кунларидан экологик жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган минтақаларга жами 110 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари ортлган 5 та "Экосан" саломатлик поездларини жўнатди. Мазкур ёрдамни ташкил этишда "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида ўтказилаётган умумреспублика экологик ҳашарларидан тушган маблағ ишлатилляпти.

Алоуддин ҒАФҒОРОВ, "Туркистон-пресс"

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва маънавиятини юксалтириш" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

МУЛОҲАЗАЛАРГА БОЙ АНЖУМАН

Анжуманни Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, "ELNAJOT" нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти, Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорликда ўтказдилар.

Кечани Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова кириш сўзи билан очар экан, бугунги кун аёлининг жамиятдаги ўрни, oilадаги маъқеи, болалар тарбиясидаги жонқуярлиги, асосийси эса, маданий-маънавий онги хусусида фикр юртди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ўзбек аёлларида латифат, нафосат, меҳр ва муҳаббат ҳаёиго ибор оилага садоқат, болаларга жонфидолик хислатлари чуқур мужассам эканлигини таъкидладилар, шунингдек, Шарқнинг одоб-ахлоқини ўзида уйғунлаштирган аёлларимиз ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди. Кечада "ELNAJOT" нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбари Муаттар Пўлатова, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Хўжаева "Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Халқаро конвенцияларда аёллар ҳуқуқлари тўғрисида", Тошкент шаҳар Бўш имом хатиби Анвар қори Турсунов "Миллий урф-одатлар ва диний маросимлар" хусусида сўзга чиқдилар.

Анжуманда хотин-қизларнинг oilада тиббий маданиятини ошириш, қизларимизни эрта турмушга бермаслик, балоғатга етмаганларнинг турмушга чиқишининг олдини олиш, уларнинг соғлигини химоя қилиш, ёшларнинг ҳар хил оқимларга кириб кетишининг олдини олиш, диний расм-русумлар, маросимларни ўтказиш хусусида фикрлар баён қилинди.

Анжуман қизиқарли мулоҳаза, мунозара ва фикрларга бой тарзда ўтди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Мунажжим башорати

КУНИ ҚУВНОҚ ЎТКАЗИНГ

23 февраль, чоршанба

Бугунги кун муҳим кунлардан ҳисобланиб, яхшиликка йўналтирилган ишларни шу кун бошламасангиз, уларни нақ бир ойга кечиктиришингизга тўғри келади. Умуман, ҳар қандай ишларни Ой тўлган кунлари — яъни унинг 14 — 15-кунлари бошлаш хайрли бўлади. Шу кун туғилган кишилар ҳамиша катта ишларга даъват этилган бўладилар.

Яна бир маслаҳат — барча муҳим ишларингизни соат 16 гача бажариб улгурганингиз маъқул. Атрофдагиларнинг маслаҳатларига, уларнинг сўзлари ва танбехларига қулоқ тутинг — шунда кўпгина фойдали ахборотларга эга бўласиз.

Бугун олдингизга келаётган кишиларга эътибор қилинг — улар орасида сизнинг тақдирингизда муҳим роль ўйнайдиган инсонлар бўлиши мумкин. Ёлғиз қолманг, ўз ёқингизга ўзингиз қовурилишдан сақланинг — бугун йилги борича кўпчилик орасида бўлишга, ўзаро тажрибалар алмашишга ҳаракат қилиш фойдали.

Кечкурун асабийлик, ўзаро муносабатларни эҳтирос-ла ҳал этишга уриниш, кўз ёшларига зўр беришга интилиш рўй бериши мумкин — бундай майларга эрк берманг — ўзингизни идора эта билинг. Лекин буларнинг бари ўткинчи бўлиб, эртасига ҳаммаси жойига тушиб кетади. Мабодо, уйингизда соат

тўхтаб қолса, шамол деразаларини очиб юборса, кўзга синса — булар нохушликлар аломатлари. Ялтирок нарсани топиб олиш омадди ҳисобланади.

Бугун қўқ ва кумушранг ҳамда юлғун ва сиёҳранг либослар омадди бўлади. Қора ва жигарранг ва ола-була кийимлардан нарироқ бўлишга интилинг.

ЧОРШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:

— ўзингиз ва яқинларингизга чинакам байрам уюштиришга ҳаракат қилинг.

— дам олиш ҳамда ўз эҳтиёжларингизга мўмайгина пул сарф этишингиз мумкин, дўстларингизга кичик совға-саломлар уюштириб, уларни хурсанд қилинг, фикр-мулоҳазаларингизни аниқ ва лўнда ифодалашга интилинг.

Кўп ўйлаб, кўп фикр юритиш, ўз ҳаётингизни йўлга солишга интилиш (енгли муваффақиятлар келажақда ҳарсалангизни пир қилиши мумкин), тағдор гаплар қилишдан ўзингизни тортинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Спорт

“ПАХТАКОР” МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДА

Мамлакат чемпиони ва Кубок соҳиби шахримизнинг “Пахтакор” жамоаси янги мавсумга кизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Шу кунларда пахтакорчилар Туркияда янги мавсум олдидан ўқув-машқ машғулотларини давом эттиришмоқда. Режага кўра Украина ва Молдованинг кучли жамоалари билан учта ўртоқлик-назорат учрашувларини ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, шундан дастлабкиси Донецкнинг “Шахтёр” жамоаси билан ўтказилди.

“Пахтакор” ушбу ўйинда “жанговар” таркибда майдонга тушди. Жумладан, И.Нестеров, Г.Гочкулиев, Б.Ашурматов, Л.Кошелев, С.Жепа-ров, Т.Копадзе, А.Солиев билан бир қаторда энг кучли ҳужумчилардан бири — ЦСКА (Москва) сафларидан яна қадрдон жамоасига қайтган Александр Гейнрих ўз маҳоратини кўрсатди. Қизикарли ўйин 0:0 ҳисобидаги дураг билан якунланди.

БЕШТА НИШОНГА ЭГА БЎЛИШДИ

Мамлакатимиз чарм кўлқоп усталари бокс бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақалардан доимо медаллар шодаси билан қайтишаётгани сир эмас.

Бу гал ҳам бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Болгарияда ташкил этилган йирки халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этишди. Шунга айтиш керакки, ушбу нуфузли турнирда Куба, Россия, Украина, Германия каби ўндан ортқ бокс ривожланган мамлакатлардан юзга яқин кучли бокс усталари иштирок этди.

Қатнашчилар таркибининг ниҳоятда кучли эканлигини ҳисобга оладиган бўлса, ўн битта вазн тоифасидан тўрттасида ҳамюртларимиз совриндорлар сафидан ўрин олганини ўзига хос ютуқ сифатида баҳолашимиз мумкин. Жумладан, 63 ва 75 килограммгача бўлган вазнларда Дилшод Мансуров ва Шерзод Абдурахмонов каби етакчи боксчиларимиз финал баҳсларида иштирок этишиб, кумуш нишонларни қўлга киритишган бўлса, энгил вазнларда Баходир Султонов ва Бехзод Хидировларга бронза медаллари насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими жамоаси ва касаба уюшмаси кўмитаси Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимининг собиқ мудири Жамолдин Раимқуловни Ўшбовега отаси Раимкул ЭШБОВЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чукчур ҳамдардлик билдиради.



Қўл жанми



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ШОҲСУПА ТЎРИДА

Спортнинг қўл жанги тури республикамизга кириб келганига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бироқ жасурлик, чаққонлик хислатларини шакллантириши тугайли ёшлар ўртасида кенг оммалашиб бормоқда.

Ўтказиб келинаётган турли мусобақалар эса ёшлар маҳоратининг сайқаланишида муҳим омил бўлмоқда. Шаҳримиздаги “Динамо” жисмоний тарбия-спорт жамияти спорт залида уч кун давомида 10-11 ёшли болалар ўртасида бўлиб ўтган қўл жанги бўйича Ўзбекистон очиқ биринчилиги мусобақалари ҳам ушбу спорт тури ёшларимиз ўртасида қанчалик омалашганини яна бир бор кўрсатди. Зеро, очиқ биринчилик баҳсларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро вилояти вакилларидан ташқари республикамизнинг барча гушаларидан ёш, умидли спортчилар иштирок этишиб, галаба учун кураш олиб боришди. Катнашчиларнинг умумий сони эса 200 на-

фарга яқинлашди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ғолиблар рўйхатига назар ташлар эканмиз, аксарият ҳолларда ҳамшаҳарларимиз ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишганини кўрамиз. Жумладан 27 килограммгача бўлган энг энгил вазнда тошкентлик А.Жабборов ғолиб чиққан бўлса, 30 ва 33 килограммгача бўлган кейинги вазнларда Бекобод шаҳри вакиллари К.Мусаев ва Ф. Йўлдошевлар ғолиблар сафини бошқаришди. Қолган тўртта вазнда А.Эркинов, Ш.Рўзметов, Н.Жўраев ва А.Шокировлар (ҳаммаси Тошкент шаҳридан) зафар кучишди.

Умумжамоа ҳисобида ҳам ҳамшаҳарларимиз биринчи ўринни эгаллашди. Қаш-



қадарё ва Фарғона вилояти спортчиларига кейинги ўринлар насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар дипломлар ва медаллар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ — ЧОРАК ФИНАЛДА

Тошкент шаҳри ва вилояти стадионларида давом этаётган Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги гуруҳ баҳсларининг сўнгги тур беллашувлари якунига етди.

Ушбу мусобақаларда шахримиз шарофити ҳимоя қилаётган жамоалар муваффақиятли иштирок этиб чорак финалга йўллангани кўлга киритишди.

Бундан икки кун аввал бўлиб ўтган сўнгги тур баҳслари пойтахт жамоаларига омад келтирди. Унда “Пахтакор-2” “Сирдарё” жамоаси билан 0:0 ҳисобидаги дураг натижа-ни қайд этган бўлсада чорак финалга йўл олди. Шунингдек, “Трактор”, “Шайхонтоҳур” жамоасини 7:1 ҳисобида мағлуб этди. “НБУ-Осиё” — “ОТМК” жамоалари баҳси 3:3 ҳисоби-

да якунланди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. “Булат” — “Шўртан” — 2:3, “Металлург” — “ОТМК” — 1:1, “Сўғдиёна” — “Янгиер” — 9:1. Шундай қилиб чорак финалда “Пахтакор-2” — “Сўғдиёна”, “Трактор” — “Тўпаланг”, “Бухоро” — “НБУ-Осиё”, “Металлург” — “Кимёгар” ўзаро куч синашадиган бўлишди.

БУГУН

Ўзбекистон футбол федерацияси Кубогининг чорак финал учрашувлари ниҳоясига етди.

(Ўз мухбиримиз)

Жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши ҳамда Вазирав Маҳмадининг “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир туман, ҳар бир маҳалларда аниқ режалар белгиланган, десак адашмаймиз.

Мағбирлар

СПОРТ БИЗГА ҲАМИША ҲАМРОҲ

Зеро, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод-ни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан бой тарзда тарбиялаш, хотин-қизларни спортга жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Яқинда Бектемир туманидаги “Нихол” спорт мажмуида “Соғлом оила — соғлом маҳалла” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан “Маърифат” маҳалласи фалоллари ҳамкорлигида ташкил этилган маъмур тадбир “Спорт бизга ҳамisha ҳамроҳ” шiori остида ўтказилди.

Унда қизлар ўртасида стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка, аёллар орасида эса тўпни ерга уриб тўрга ташлаш, арқондан сакраш, волейбол му-

собақалари ўтказилди.

Мусобақада туман ҳокимлигида фаолият юритаётган хотин-қизлар, “Маърифат” маҳалласи ҳудудида истикомат қилувчи ўқувчи-қизлар ҳамда тумандаги 12 та маҳалланинг 50 нафар хотин-қизлари иштирок этдилар.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Кундуз Сайдалиева, — хотин-қизларни спортга ошно этиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, асосийси эса соғлом ва бардам бўлишдир. Ахир соғлом онандан соғлом бола туғилиди, деган гап беҳиз айтилмаган.

Тадбир сўнггида мусобақада ғолиб бўлган хотин-қизларга Фахрий ёриқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулнигор САТТОВА

«02»: ҲОДИСАЛАР

АВТОМАГНИТОЛА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Бешёғоч даҳасидаги 11-уй олдидан “ВА3-21011” русумли автомашина турарди. У Уй-ғун кўчаси, 250-уйда яшовчи У. Раҳимга тегишли бўлиб, машина соҳиби дўстиникига кирган эди. Шу ердан ўтиб кетаётган номаълум шахс автоуловнинг ёнига келди ва ясама калит билан уни очиб, ичидagi “JVC” автомагнитоласини олиб жуфтакни ростлади. Лекин ўғри узоққа қоча олмади.

Уни шу ҳудудда хизматда бўлган милиция ходимларидан бири шубҳаланиб қўлга олди.

Сезгир ходим адашмаган эди. Жиноятчи ички ишлар идорасига олиб кетилди. Магнитола эса эгасига қайтарилди.

МЕҲМОННИНГ ҚИЛМИШИ

“Меҳмон отангдек улуғ” нақлини жуда яхши биламиз. Уйимизга меҳмон келса уни эъозлаймиз, яхшилаб кутиб оламиз. Чилонзор туманида яшовчи Ф.Седерова ҳам таниши Т.Галкинани хурсандчилик билан меҳмон қилди. Уни яхши таомлар билан сийлади. Меҳзон уй юмушларига шўнғиб

кетган вақтда меҳмоннинг ҳаёлини 20000 сўмлик сариқ металлдан ясалган қимматбахо буюм ўғирлади. Нафс балоси Галкинани ушбу буюмни олиб қочиб кетишига ундади. Уй юмушларидан бўшган Седерова меҳмон ўтирган хонага кирсаки у йўқ, қимматбахо тақинчоғи ҳам...

Седерова зудлик билан “02” га кўнғироқ қилди. Тезкор қидирув гуруҳи жиноятчини тез орада қўлга олди. Энди у ички ишлар идорасида меҳмонда.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет ускуна босилди. 5009 нусxada босилди. Қоғоз ёритми А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.